

Мавзу	Кесиш жараёнида ҳосил бўлган иссиқликни ўлчаш ва иссиқлик миқдориға таъсир этувчи омилларни ўрганиш
--------------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Маишгулот вақти - 2 соат	Талабалар сони: 12 – 15 гача	
Маишгулот шакли	Лаборатория	
Дарс режаси	1. Кесиш шароитида ҳосил бўлувчи иссиқлик миқдори ва унга кесиш режимларини таъсири 2. Иссиқлик миқдорини ҳисоблаш 3. Тажриба ўтказиш жараёнида фойдаланувчи қурилмалар	
Ўқув маишгулотининг мақсади: Кесиш зонасида ҳосил булувчи иссиқлик миқдорига кесиш чуқурлиги, кесиш тезлиги ва суриш катталигини ўзгаришини таъсирини кузатиш.		
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none">• Кесиш шароитида ҳосил бўлувчи иссиқлик миқдори ва унга кесиш режимларини таъсири ҳақида маълумот бериш.• Иссиқлик миқдорини ҳисоблашни ўргатиш.• Тажриба ўтказиш жараёнида фойдаланувчи қурилмалар билан таништириш.		Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none">• Кесиш шароитида ҳосил бўлувчи иссиқлик миқдори ва унга кесиш режимларини таъсири ҳақида маълумот оладилар.• Иссиқлик миқдорини ҳисоблашни ўрганиб олишадилар.• Тажриба ўтказиш жараёнида фойдаланувчи қурилмалар билан танишиб оладилар.
Таълим бериш усуллари		Кўргазмали лаборатория, суҳбат, “Фикрлар хужуми” технологияси
Таълим бериш шакллари		Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари		Ўқув қўлланма, проектор
Таълим бериш шароити		ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш		Оғзаки назорат: савол-жавоб

**1.2. «Кесиш жараёнида ҳосил бўлган иссиқликни ўлчаш ва иссиқлик
миқдорига таъсир этувчи омилларни ўрганиш» лаборатория
машғулотининг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Мавзунинг ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини таёрлаб қўйиш.	
Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси ва режаси билан таништиради. (1-илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2- илова) 1.3. Асосий адабиётлар рўйхатини тавсия этади. (3-илова)	Тинглайдилар. ёзадилар Тинглайдилар. ёзадилар Тинглайдилар. ёзадилар
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Кесиш шароитида ҳосил бўлувчи иссиқлик миқдори ва унга кесиш режимларини таъсирини Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш тушунтириб беради (4- илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.2. Иссиқлик миқдорини ҳисоблашни ўргатади. (5- илова)	Тинглайдилар, ёзадилар ва бажарадилар.
	2.3. Тажриба ўтказиш жараёнида фойдаланувчи қурилмалар билан таништиради. (6- илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.4. “Фикрлар ҳужуми” методи орқали талабаларни фаоллаштиради. Берилган саволга ўйлаб жавоб беришни таклиф қилади (жавоблар 1-2 сўздан иборат бўлиши кераклигини эслатади) Бир талабага жавобларни доскада ёзиб боришни таклиф қилади. Бунинг учун 10 минутча вақт ажратилади. Белгиланган вақт тугагандан сўнг, фикр билдиришлар тўхтатилади ва жавоблар таҳлил қилинади. (7-илова)	Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун “Кесувчи асбобнинг ейилиши” мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.